Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 205 (8945). ● 1986 йил 31 октябрь, ● жума ● Баҳоси 3 тийин.

**Областимиз пахтаси 400 минг тоннадан ошди**

*План ва социалистик мажбуриятни бажариш арафасида турибмиз. Йиғим-теримда уюшқоқликни янада кучайтирайлик.*

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

**ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 30 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Чиноз** | 0,83 | 113,91 | 0,21 | 107,55 |
| **Ўрта Чирчиқ** | 0,80 | 104,31 | 0,06 | 118,03 |
| **Пискент** | 0,94 | 103,05 | 0,21 | 95,73 |
| **Янгийўл** | 1,24 | 102,73 | 0,83 | 92,33 |
| Коммунистик | 0,98 | 97,91 | 0,13 | 111,00 |
| Бекобод | 1,20 | 94,52 | 0,24 | 80,98 |
| Ғалаба | 0,84 | 91,97 | 0,31 | 107,48 |
| Оққўрғон | 0,92 | 91,65 | 0,28 | 94,30 |
| Бўка | 1,21 | 90,83 | 0,44 | 93,61 |
| Область бўйича: | 1,02 | 97,11 | 0,30 | 98,43 |

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона—98,17; Сурхондарё — 87,41; Наманган—86,63; Сирдарё — 85,38; ҚҚАССР — 81,88; Хоразм—77,68; Андижон—72,41; Бухоро—70,67; Жиззах—69,27; Самарқанд—66,11; Навоий—54,35; Қашқадарё—51,49; республика бўйича—77,39.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

29 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум Халқ депутатлари Минск шаҳар Советининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга оид ишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Халқ депутатлари Минск шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. И. Михасев доклад қилди. СССР Олий Совети Миллатлар Советининг халқ истеъмол моллари ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи комиссияси раисининг ўринбосари Э. Я. Аушкап Минскдаги ишларнинг аҳволини ўрганиб чиққан СССР Олий Совети депутатлари номидан ахборот берди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми гражданларни қабул қилиш практикаси, Қарағанда область халқ депутатлари Советларида ва уларга ҳисоб берувчи органларда гражданлар ўртага қўйган масалаларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Халқ депутатлари Қарағанда область Совети ижроия комитетининг раиси З. Инкарбоевнинг доклади тингланди. Халқ депутатлари Кемерово область Совети ижроия комитетининг раиси В. Н. Полецков мазкур масалани тайёрлашда қатнашган депутатлар группаси номидан ахборот берди.

Ана шу масалалар юзасидан қабул этилган қарорлар матбуотда эълон қилинади.

СССР Олий Совети Президиуми давлат ҳаётига оид бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда М. С. Горбачев, В. В. Щербицкий, П. Н. Демичев, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар қатнашдилар.

(ТАСС).




### ТЎЙТЕПА

● МАШИНАЛАР хирмонга барака киритди. Қўл терими ҳам салмоқли бўлди. Шунинг учун ҳам Акмал Икромов номли колхоз пахтакорлари гектарлар ҳосилдорлигини 27,4 центнерга етказиб маррани эгалладилар. М. Норқулов, М. Иброҳимов сингари механик-ҳайдовчилар мавсумда энг кўп пахта теришга эришдилар. Бригадалар ўртасидаги мусобақада Х. Шодиев, У. Тожиев ўртоқлар бошлиқ коллективлар ғолиб деб топилди. Эндиги кураш 30 центнер учун.

### ПИСКЕНТ

**● МАРРАНИ эгаллаган хўжаликлар сафига «Пискент» совхози ҳам қўшилди. 3855 гектар майдонда пахта етиштирган деҳқонлар уйган хирмон шу кунга қадар 11 минг 290 тоннадан ортди. Совхоз меҳнаткашлари қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олиб, давлатга яна 850 тонна қимматбаҳо хом ашё топшириш учун курашмоқдалар.**

**Свердлов номли колхоз деҳқонлари ҳам рапорт бердилар. Давлатга топширилган пахтанинг 70 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳар бир машина билан ўртача 100 тоннадан пахта терилди.**

● РАЙОНДА ташкил этилган «Механизатор-86» отрядига 90 нафар комсомол-ёшлар уюшган. Улар Тельман номли колхозда кунига 4 тоннагача етказиб пахта термоқдалар. Отряд аъзоларининг иш унуми 45—50 килограммга етмоқда.

### БЎКА

**● «ОКТЯБРЬ 40 йиллиги» колхозида ҳосилдорлик 35,2 центнерга етди ва мажбурият анча ошириб бажарилди. Колхоз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, ҳосилдорликни 37 центнерга етказиш учун бел боғладилар.**

### ОҚҚЎРҒОН

● АГРОТЕХНИКА тадбирлари ўз вақтида, сифатли амалга оширилганлиги, теримга пухта тайёргарлик кўрилганлиги учун ҳам Сегизбоев номли совхоз хирмони тез юксала борди. Ҳозиргача давлатга 10 минг тоннадан ортиқ пахта топширилди. Бунинг 80 проценти машинада терилди.

Хўжалик меҳнаткашлари планга қўшимча яна минг тонна пахта топширишга сўз бердилар.

### ҒАЛАБА

**● «ЗАРЯ коммунизма» колхоз пахтакорлари ҳам маррани эгалладилар. 915 гектар майдондан 2916 тоннадан ортиқ пахта топширилиб, план анча ошириб адо этилди. Машина терими салмоғи 93,5 процентга етди.**

### ЧИНОЗ

● ОХУНБОБОЕВ номли колхоз пахтакорлари социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб адо этдилар. Ялпи хирмон 6156 тоннага етди. Шундан 2300 тоннасини уруғлик пахта ташкил этади. Деҳқонлар ғанимат кунларнинг қадрига етиб, қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олиш ва давлатга кам деганда яна 350 тонна пахта сотиш учун курашмоқдалар.

### КОММУНИСТИК

**● ҒЎЗА парвариши жараёнида агротехника тадбирларини оби-тобида ўтказган деҳқонлар мўл, эртаги, сифатли ҳосил етиштиришга эришдилар. «Правда» колхозида олиб борилган ишлар бунга мисолдир. Бу ерда, айниқса, машина теримига пухта тайёргарлик кўрилди. Шунинг учун ҳам 87 процент пахта агрегатларда терилди. Қабул пунктларига топширилган хом ашёнинг 70 процентдан ортиғи биринчи сортга қабул қилинди.**

**Хўжалик пахтакорлари ўтган кундан бошлаб социалистик мажбурият ҳисобига маҳсулот топшира бошладилар.**

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

### ХИТОЙДА ПАХТА ЕТИШТИРИШ ПЛАНЛАРИ

ПЕКИН, 29 октябрь. (ТАСС). Хитойда шу йил 50 та уезд сифатли пахта ва сара чигит етиштирадиган районлар бўлиб қолади, деб хабар қилади Синхуа агентлиги. Синьцзян—Уйғур автоном районида ҳамда Шаньдун, Хэнань, Цзянсу, Хубэй, Аньхой, Цзянси, Чжэцзян, Сичуань ва Ляонин вилоятларида уезд пахта комплекслари барпо этилади. Давлат шу мақсадларга 100 миллион юан (27 миллион Америка доллари) ажратди. Бултур барпо этилганлари қўшиб ҳисобланганида ХХРда жами 72 та шундай уезд комплекси бор. Шу уездларда пахта етиштирадиган мутахассислар тайёрлаб чиқарувчи агротехстанциялар ҳам барпо этиш мўлжалланмоқда.

Бу комплекснинг асосий вазифаси ғўзанинг сара уруғлик чигитини олиш ҳамда сифатли пахтани қайта ишлайдиган корхоналар қуришдан иборат бўлади. Чунончи, бу уездлар яқин районларда илғор агротехнологияни ҳам ёйиб туради. Шу районларни ривожлантириш асосида 1990 йилга бориб Хитойда 1,3 миллион гектар майдонни сифатли пахта навлари эгаллаши керак. Бу пахтазор 150 минг тонна сара чигит ва 1 миллион тонна сифатли пахта бера олади.

1985 йил Хитойда 4 миллион 150 минг тонна пахта терилган эди.

### ПОКИСТОНДАГИ ПОРТЛАШЛАР

**КОБУЛ, 29 октябрь. (ТАСС). Пуштунларнинг афридий қабиласи лашкарларига мансуб жангчилар қўйган мина портлаши натижасида афғон аксилинқилобчилари тўдасига тегишли қурол-яроғ сақланадиган катта омбор осмонга сочилиб кетди. БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, Покистоннинг шимолий-ғарбий чегара вилоятида жойлашган омбордаги портлашдан сал аввал бу ерга Американинг Афғонистон Демократик Республикаси теварагидаги уруш ҳаракатларига мўлжалланган энг янги қурол-яроғи келтирилган эди.**

**Пуштун лашкарлари Бадабера районида босмачиларни тайёрлаш лагерида, газандалар «дам олиб» ётган Пешовардаги меҳмонхонада, шунингдек тор-мор этилган тўдалардан омон қолган босмачиларни йиғиб, сўнгра Афғонистонга юбориладиган террорчи гуруҳларга тақсимловчи марказ бўлиб хизмат қилиб келган «Баламани» меҳмонхонасида ҳам миналар портлатдилар. Натижада 18 газанда ўлди, ўнлаб босмачи жароҳатланди.**

**БАХТАР агентлигининг яна бир хабарида айтилишича, аксилинқилобчиларни Афғонистон чегарасига ўтказиш учун фойдаланиб келинган стратегик темир йўл кўприги ҳам портлатилган.**

### МУГАБЕНИ ЎЛДИРИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛОВЧИ ФИТНА ФОШ ЭТИЛДИ

РИМ, 29 октябрь. (ТАСС). Зимбабве хавфсизлик кучлари ирқчи ЖАР агентларининг республика бош министри Роберт Мугабени ўлдириш мақсадида тайёрлаган фитнасини фош этдилар. Бу ерга келган Зимбабве ташқи ишлар министри Уитнесс Мангвенде шу гапни айтди. Террорчилик режасини амалга ошириш учун мамлакатга бир гуруҳ ажнабий агентлар юборилган эди. Претория ирқчилик режимига қарши чиқаётган ҳамма кишиларни ҳар қандай воситалар билан ўлдиришга интилаётганлиги яхши маълум, деб таъкидлади министр.

### АДРнинг МИЛЛИЙ БОЙЛИКЛАРИ ТАЛАНМОҚДА

КОБУЛ, 29 октябрь. (ТАСС). Афғонистон аксилинқилобчилари ўз халқига қарши эълон этилмаган уруш олиб боришдан ташқари, АДР миллий бойликларини очиқдан-очиқ талаш билан ҳам шуғулланмоқда. Афғонистондан Покистонга зумрад яширинча олиб чиқиб кетилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар шундан яққол далолат беради. Босмачилар Панжшир водийсида зумрад қазишни кенг йўлга қўйганлар.

Панжширда тор-мор келтирилган аксилинқилобчи тўданинг собиқ аъзоси Муҳаммад Карим деган кимсанинг айтишича, АДРнинг шу районига Покистондан парма машиналари ҳамда геологик разведка ускуналари юборилган. Ўзини журналист қилиб кўрсатаётган Америка маслаҳатчилари ҳам шу ерга яширинча етиб келганлар. Улар конларни яхшилаб фотосъёмка қилганлар, разведка ишлари ҳамда зумрад қазиб олиш суръатларини жадаллаштириш борасида профессионал маслаҳатлар берганлар. Бир неча йил мобайнида, дейди Карим, қазиб олинган зумрад карвон сўқмоқлари орқали Покистонга юбориб турилган ва босмачиларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг океан ортидаги ҳомийлари қўлига бевосита бориб тушган.

### СТРАТЕГИК ҚУРОЛЛАР ГРУППАСИНИНГ МАЖЛИСИ

ЖЕНЕВА, 29 октябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда ядровий ва космик қуролларга бағишланган Совет-Америка музокаралари доирасида стратегик қуроллар группасининг мажлиси бўлди.

## САФИМИЗГА ҚЎШИЛИНГ, ТЕНГДОШЛАР!

**МАМЛАКАТИМИЗ халқ хўжалигининг барча соҳаларини қайта қуриш муҳим вазифа қилиб қўйилаётган ҳозирги вазиятда малакали ишчилар тайёрлашга эътибор янада кучаймоқда. Бу муаммони ҳал этиш йўлида республикамизда ҳам, пойтахт областимизда ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Ана шулардан бири Тошкент—Иваново областлари орасида ишчи ўринбосарлари тайёрлаш бўйича ўрнатилган дўстлик шартномасидир.**

**Шартномага кўра областимизнинг кўплаб ёшлари шу йилдан бошлаб Ивановонинг ўрта ҳунар-техника билим юртларида турли касбларни эгаллашмоқда. Бу ердаги юксак ғамхўрликдан миннатдор бўлган ўқувчилар ўз сафларига бошқаларни ҳам чорламоқдалар. Газетанинг учинчи бетида ана шу ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.**



**● СУРАТДА: тошкентлик ва ивановолик бу ўқувчилар жуда тезда бир-бирлари билан дўстлашиб кетдилар.**

## ИВАНОВОДАН МАКТУБ

БИЗ Пискент, Бекобод ва Ғалаба районлари мактабларининг битирувчилари ҳозир Иваново областининг Фурманов шаҳридаги 7-ўрта ҳунар-техника билим юртида ўқияпмиз. Уни битиргандан сўнг автомобиллар ремонти бўйича слесарлик ҳунарига ҳамда кўп юк ташийдиган автомашиналарни бошқариш ҳуқуқига эга бўламиз.

Шу кунларда автомобилнинг тузилишини, йўл ҳаракати қоидаларини ва машина ҳайдашни ўрганяпмиз. Икки ой мобайнида кўп нарсаларни билиб олдик. Касбимиз ўзимизга ёқяпти.

Ҳаётимиз ҳам жойида. Ҳамма қулайликларга эга бўлган, шинам ётоқхонада яшаяпмиз. Маҳаллий йигит ва қизлар билан дўстлашиб олдик. Ўқишдан бўш вақтларимизда билим юртининг спорт залида турли секцияларда шуғулланамиз. Вокаль-чолғу асбоблари ансамблига ҳам аъзо бўлиб олдик. «Россиянинг олтин халқаси»га кирувчи Иваново ва Плес шаҳарларига экскурсия уюштирдик. Яқинда Кострома, Суздаль шаҳарларига саёҳат қиламиз.

Янаги йилдан бошлаб ҳозирги эгаллаётган касбимиздан ташқари билим юртимизда бўёқчи-сувоқчилик, дурадгорчилик, пўлат ва темир-бетон конструкциялари монтажчиси ихтисосликлари бўйича ҳам ҳунар ўргатила бошланади.

Сизларни ана шу касбларни эгаллаш учун билим юртимизга таклиф қиламиз.

**Бизнинг адресимиз: Иваново областининг Фурманов шаҳри, Тимирязев кўчаси, 43, 7-ўрта ҳунар-техника билим юрти.**

**II-группа ўқувчилари номидан: АҲМЕДОВ, АҲМЕДЖАНОВ, ҚОДИРОВ, ПЎЛАТОВ, МУЛИМОВ, ЭРМАТОВ, ТУРҒУНБОЕВ, НОЗИМОВ ва бошқалар. Ҳаммаси бўлиб 19 имзо.**

* * *

**РЕДАКЦИЯДАН:**

**Иваново областининг ўрта ҳунар-техника билим юртларида ўқиётган юртдошларимиз бу мактубни Тошкент областининг юқори синф ўқувчиларига йўллашган. Бу мактуб ўқишни тамомлагач, «Ким бўлсам экан?», деб юрган ҳар бир йигит-қизни қизиқтириши, табиий.**

**Билим юрти ишлари, у ерда касб эгаллаётган ёшлар ҳаёти ҳақида янада кўпроқ билишни истасангиз улар билан хат орқали алоқа боғлашингиз мумкин.**

## Кадрлар ўқуви

29 октябрь куни Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва идеология ходимлари малакасини ошириш факультетида тингловчилар катта группасининг ўқуви тугади. Группа составида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий ва область комитетларининг оғир саноат ва машинасозлик, енгил саноат ва халқ истеъмол моллари, транспорт ва алоқа, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимлари мудирларининг ўринбосарлари, сектор мудирлари, инструкторлари, мазкур республикалар шаҳар партия комитетлари тегишли бўлимларининг мудирлари, йирик саноат корхоналари партия комитетларининг секретарлари бор.

Ўқув программасида марксизм-ленинизм назариясига, партиянинг ташқи сиёсий стратегиясига оид энг муҳим масалалар, КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида мамлакатни ривожлантиришни жадаллаштириш проблемалари катта ўрин олди. Инсон омилининг ролига, хўжалик механизмини қайта қуриш соҳасида партия ташкилотларининг куч-ғайратларини активлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Тингловчилар Тошкентдаги бир қанча корхоналар: «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, 2-автокомбинат, 1-уйсозлик комбинати меҳнат коллективларининг иш тажрибаси билан танишдилар. Амалий машғулотларда ана шу корхоналар партия ташкилотларининг ишлаб чиқаришни интенсивлашга оид фаолияти иқтисодий анализ қилинди ва кўриб чиқилди. Иш тажрибаси ўртоқлашилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Н. Лобко, А. С. Икромов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, республиканинг таниқли олимлари тингловчилар ҳузурида докладлар қилдилар ва лекциялар ўқидилар.

(ЎзТАГ).

## Пропагандистлар семинари

Партия ўқуви системаси пропагандистларининг Тошкент область партия комитети томонидан ташкил этилган тўрт кунлик семинари тугади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Х. Т. Турсунов, профессор Л. В. Гентшке, иқтисод фанлари докторлари К. Н. Попадюк, М. А. Абдусаломов, Н. Д. Белий, Э. С. Севликянц ва Тошкентдаги бошқа олий ўқув юртлари олимларининг нутқларида КПСС XXVII съезди қарорлари асосида сиёсий ва иқтисодий ўқувни қайта ташкил этишга катта эътибор берилди. Пропагандистлар мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш стратегиясининг мазмуни ва бош йўналишлари, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш, социал-синфий ва миллий муносабатларни ривожлантириш проблемалари ҳақидаги лекцияларни тингладилар.

Семинарда пропагандистларнинг маҳоратини янада ошириш, биринчи манба билан ишлаш, таълимнинг кўргазмали қўлланмалари, техника воситаларидан, машғулотларни олиб боришнинг актив формалари ва усулларидан фойдаланиш тўғрисида гап борди. Пропагандистлар билан давра суҳбати ўтказилди.

Семинар иштирокчилари ҳузурида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ 68-ПРОЛЕТАР ВА 111-ОЛМАЗОР САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:** «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 57-моддасига мувофиқ Тошкент область 68-Пролетар ва 111-Олмазор сайлов округларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови 1986 йил 30 ноябрь, якшанба кунига белгилансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси** **О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари** **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1986 йил, 29 октябрь.

**12 НОЯБРЬ — ЗАРБДОР ВАХТА**

## ҚУРОЛЛАРСИЗ ВА УРУШЛАРСИЗ ТИНЧЛИК УЧУН

**Ўзбекистон меҳнаткашлари халқаро тинчлик йилига бағишланган қуролсизланиш ҳаракати ҳафталигида актив қатнашмоқдалар. Улар урушга қарши республиканинг шаҳар ва қишлоқларида давом этаётган митингларда мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини қизғин маъқулламоқдалар, бу йўлни амалга оширишга фидокорона меҳнатлари билан ёрдам бериш иштиёқларини изҳор этмоқдалар.**

* * *

ТОШКЕНТ. Тошкент заргарлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бўлиб ўтган кўп кишилик митингда Ер юзида тинчликни ҳимоя қилиш, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга қатъий аҳд қилганликларини изҳор этдилар. Уруш ва меҳнат ветерани К. Животовскийнинг сўзи ҳаяжон билан янгради. У таъкидлаб айтдики, фашизмга қарши жангларда 20 миллион фарзандидан жудо бўлган совет халқи уруш даҳшатлари такрорланишини ҳоҳламайди. Шунинг учун ҳам совет кишилари космосни ҳарбийлаштиришни ўйлаётган океан ортидаги стратегларнинг жиноий ниятларига қатъиян қарши чиқмоқдалар.

Мастер Р. Раҳимжонова, ишчи Ф. Шоҳидова, меҳнат ветерани И. Свирин ва бошқалар вашингтонлик сиёсатдонлар янгича фикр юритишга ўрганиб, чиппакка чиққан «куч ишлатиш позицияси» сиёсатидан воз кечишлари учун аллақачон вақт етганлиги тўғрисида гапирдилар. Инсоният улардан масъулиятли ҳаракатлар кутади. М. С. Горбачев совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ядро қуролини тугатиш тўғрисида тенг ҳуқуқли ва адолатли аҳдлашувларга эришиш учун йўл очиқ.

Заргарлик заводининг меҳнатчилари якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда ялпи хавфсизликка эришиш йўлида янада актив меҳнат қилиш ва ҳаракат қилишга шайликларини билдирдилар. Заргарлик заводи коллективи республика пойтахтидаги бошқа корхоналарнинг коллективларига мурожаат этиб, 12 ноябрда зарбдор меҳнат вахтасини ўтказишга ва ишлаб топилган маблағни Совет Тинчлик фондига юборишга даъват қилди.

(ЎзТАГ).

